

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВ ШЕРЗОД АБДУЗАИРОВИЧ

**БАЪЗИ d-МЕТАЛЛАРНИНГ ТАРКИБИДА N, P, S
БЎЛГАН ИММОБИЛЛАНГАН ЛИГАНДЛАР БИЛАН
МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСЛАРИ: СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.01–Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан (DSc) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Касимов Шерзод Абдузаирович Баъзи d-металларнинг таркибида N, P, S бўлган иммобилланган лигандлар билан металлокомплекслари: синтези, тузилиши ва хоссалари.....	3
Касимов Шерзод Абдузаирович Металлокомплексы некоторых d-металлов с N, P, S-содержащими иммобилизованными лигандами: синтез, структура и свойства.....	29
Kasimov Sherzod Abduzairovich Metal complexes of some d-metals with N, P, S containing immobilized ligands: synthesis, structure and properties	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВ ШЕРЗОД АБДУЗАИРОВИЧ

**БАЪЗИ d-МЕТАЛЛАРНИНГ ТАРКИБИДА N, P, S
БЎЛГАН ИММОБИЛЛАНГАН ЛИГАНДЛАР БИЛАН
МЕТАЛЛОКОМПЛЕКСЛАРИ: СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА
ХОССАЛАРИ**

02.00.01–Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc.K/113 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадирова Шахноза Абдухалиловна
кимё фанлари доктори, профессор

Шобилотов Азаджон Ахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Раҳманбердиев Гаппар Раҳманбердиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва неорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «16» XII соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-07-88; (99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «4» XII куни тарқатилди.

(2021 йил «4» XII даги 16 - рақамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раисининг котиби, к.ф.д., доцент

Ш.А. Кадирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда оралик металлларнинг комплекс бирикмалари координацион бирикмалар кимёсидаги нафақат фундаментал, балки, амалий тадқиқотларнинг ҳам асосий предмети ҳисобланади. Оралик металлларнинг катта миқдордаги реакцион фаол органик лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларини саноатнинг турли тармоқларида қўллаш натижасида эса замонавий чиқиндисиз технологиялар асосидаги муҳим ишлаб чиқариш жараёнларининг кенг истиқболлари очилади. Бундай реакцион фаол органик лигандлар сифатида таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган комплекс ҳосил қилувчи лигандларни турли матрицаларга ковалент ва ноковалент иммобиллаш асосида танловчан сорбентлар олиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида танловчан, самарали комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олишда таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни органик полимер ва минерал матрицаларга иммобиллашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада лигандларни иммобиллаш асосида янги хелат ҳосил қилувчи сорбентлар олиш, улар ёрдамида оралик металлларни эритмалардан комплекс ҳосил қилувчи сорбцион усуллар ёрдамида ажратиш, сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, сорбентларни эритмалардан комплекс ҳосил қилиш жараёни орқали металлларни ажратиб олишда қўллаш, металлларнинг иммобилланган лигандлар билан координацион бирикмалар ҳосил қилиш имкониятларини тизимли тадқиқ қилиш, олинган моддаларнинг эритмалардаги барқарорлигини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, хусусан, рангли ва нодир металлларни эритмалар таркибидан танлаб ажратиб олишда ҳамда оқава сувларни оғир металллардан тозалаш учун қўлланиладиган сорбентларни олиш бўйича маълум илмий ва амалий натижаларга эришилган. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилган, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, металл ионларига нисбатан танловчан сорбентлар олинган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»¹га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, органик лигандларни иммобиллаш асосида танловчан сорбентлар олиш ва улар ёрдамида d-металлар сорбциясида ҳосил бўладиган комплекс бирикмаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлашда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Баъзи d-металларнинг таркибида N, P, S бўлган иммобилланган лигандлар билан металлокомплекслари синтези, уларнинг таркиби, тузилишини аниқлаш, иммобилланган лигандлар асосидаги сорбцион системалар олиш, шунингдек, ушбу сорбцион системаларнинг реал объектларда турли металл ионларини сорбциялашда қўлланилиши бўйича дунёнинг етакчи илмий марказларида илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан: Department of Chemistry & Biochemistry, University of WI-Milwaukee (АҚШ), Masaryk Institute and Archives of the Academy of Sciences of the Czech Republic (Чехия), A.V. Bogatsky Physico-Chemical Institute (Украина), School of Chemical Engineering, The University of Adelaide (Австралия), Veer Narmad South Gujarat University (Ҳиндистон), Gaziantep University (Туркия), РФА В.И. Вернадский номидаги геохимё ва аналитик кимё институти, Россиянинг биринчи президенти Б.Н. Ельцин номидаги Урал федерал университети (Россия), А.Б.Бектуров номидаги кимё институти (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети, ЎзР ФА умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон).

Таркибида N, P, S бўлган лигандларни турли органик ва полимер матрицаларга ковалент ҳамда ноковалент иммобиллаш, улар асосида олинган сорбентларнинг хоссаларини аниқлаш ҳамда реал объектларда қўллаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар давомида қуйидаги бир қатор натижалар олинган, жумладан, формальдегид-катехол асосидаги матрицага салицил кислота, 8-оксихинолин каби лигандларни иммобиллаш асосида олинган сорбентларда Cu (II), Ni (II), Zn (II), Cd (II) ионлари сорбцияси ўрганилган (Veer Narmad South Gujarat University, Ҳиндистон), модификацияланган полиакрилонитрил асосида сорбентлар олинган ва улар ёрдамида нодир

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбаалар материаллари асосида тайёрланган.

металлар сорбцияси бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Gaziantep University, Туркия), N-арил-3-аминопропион функционал гуруҳли хелат ҳосил қилувчи сорбентлар олинган ва комплекс ҳосил қилувчи реагентларни хитозан матрицага ковалент иммобиллаш асосида олинган сорбентларнинг хоссалари тадқиқ этилган (Россиянинг биринчи президенти Б.Н. Ельцин номидаги Урал федерал университети, Россия), иммобилланган азореагентлар ёрдамида реал объектлар таркибидаги турли металл ионларини миқдорий аниқлашнинг сорбцион-спектрофотометрик ва сорбцион-атом-абсорбцион усуллари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган комплекс ҳосил қилувчи бирикмаларни турли матрицаларга иммобиллаш асосида танловчан сорбентларнинг мақсадли синтези, уларнинг физик-кимёвий ва аналитик хусусиятларини ўрганиш, лигандлар таркибидаги ўринбосарларнинг табиати ва металл ионлари билан ҳосил бўлган комплекс бирикмаларнинг кислота-асосли хоссалари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш, металл-сорбент системаларининг ҳосил бўлиш жараёнини моделлаш ёрдамида металл ионларини мураккаб эритмалардан танловчан ажратиш имконини берувчи сорбцион системаларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда полимер матрицага комплекс ҳосил қилувчи лигандларни ковалент ва ноковалент иммобиллаш асосида сорбентлар синтези ҳамда уларнинг тадқиқоти билан У.Н.Мусаев, М.А.Асқаров, А.Т.Джалилов, Т.М.Бабаев, Х.Т.Шарипов, Х.Х.Тураев, М.Г.Мухамедиев, З.А.Сманова, Ш.Ш.Даминова, Д.А.Гафурова, Н.Т.Каттаев, Д.Ж.Бекчанов каби олимлар шуғулланганлар. Улар томонидан комплекс ҳосил қилувчи сорбентларнинг оралиқ металллар анализидида қўлланилиши, сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларининг тузилиши ва хоссалари таҳлил қилинган.

Хорижда таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни полимер матрицаларга иммобиллаш, иммобилланган лигандлар асосидаги сорбцион системалар синтези ва уларнинг оралиқ металллар сорбциясида қўлланилишига доир тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, E.Horwitz, M.Dietz, J.J.Surman, A.Y.Lyapunov, D.K.Singh, Wang Jinnan, A.Wołowicz, S.Tong комплекс ҳосил қилувчи аналитик реагентларни турли матрицаларга иммобиллаш, M.H. Morcali, R.P. Kusy, M. Murakami, D.Mendil, P.P.Coetzee табиий объектлардан металлларни иммобилланган лигандлар ёрдамида сорбцион ажратиш усуллари ва сорбцияда ҳосил бўлган комплекс бирикмалар таркибини ўрганганлар.

МДХ нинг бир қатор олимлари комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар синтези, улар ёрдамида металллар сорбциясини ўрганишга доир бир қатор ишларни бажаришган. Россия ФА В.И.Вернадский номидаги геокимё ва аналитик кимё институти олимлари Н.Г. Полянский, Г.В.Мясоедова, Урал федерал университети олими Л.К. Неудачина, Тюмен давлат архитектура-қурилиш университети профессори Л.А. Пимнева, Россия ФА А.Н. Несмеянов номидаги элементоорганик бирикмалар институти профессори А.В. Даванков иммобилланган лигандларни тадқиқ

қилишнинг термик усулларини, Россия ФА агрофизика илмий-тадқиқот институти профессори Ю.А. Кокотов ион алмашилиш жараёнлари мувозанатини, Курск экологик ҳавфсизлик институти олимлари Н.Н.Басаргин, Д.В. Салихов, О.В. Кичигин хелатли иммобилланган лигандларнинг кислота-асосли, комплекс ҳосил қилиш хоссаларини, Омск давлат университети профессори В.Ф. Борбат иммобилланган лигандлар асосидаги сорбентларнинг кинетик хоссаларини, Қозоғистон ФА А.Б.Бектуров номидаги кимё институти профессори, академик Е.Е. Ергожин ва унинг раҳбарлигидаги олимлар таркибида азот, кислород бўлган эпоксид смолалар асосидаги комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида мураккаб таркибли эритмалардан оралик металлларни танловчан ажратиш усулларини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Сорбцияланиш маҳсулотларининг таркиби ва тузилишини аниқлаш, бу ўзгаришларнинг қонуниятларини ўрганиш, полимер матрицага иммобилланган лигандлар асосидаги сорбентларнинг физик-кимёвий, комплекс ҳосил қилувчи хоссаларини тўғри интерпретация қилиш уларнинг реакцион қобилиятини тушунтириш ва олдиндан айтиб бериш учун зарурдир. Адабиётларни таҳлил қилиш давомида шу нарса аниқландики, хелат ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар асосидаги сорбентларнинг оралик металллар ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмалари ва уларнинг тузилиши етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-28 «Тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида бинар экстрагентлар синтези ва уларнинг нодир металллар билан координацион бирикмалари» (2012-2016 йй.) ва ОТ-Ф7-34-сонли «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d- металлларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида N, P, S бўлган лигандларни полимер матрицага ковалент ва ноковалент иммобиллаш, уларнинг баъзи d-металллар билан металлокомплексларини синтез қилиш, тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни органик полимер ва минерал матрицага иммобиллаш;

лигандларни органик полимер ва минерал матрицага иммобиллашнинг оптимал шароитини аниқлаш

иммобилланган лигандларнинг реакцион қобилиятларини квант-кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

иммобилланган лигандларнинг кислота-асосли хоссаларини аниқлаш;

иммобилланган лигандларнинг Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларига нисбатан сорбцион хоссаларини аниқлаш;

сорбция натижасида синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва сувли эритмалардаги барқарорлигини аниқлаш;

иммобилланган лигандларнинг Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари билан олинган комплекс бирикмаларининг сувли эритмаларда лиганд алмашилиш реакцияларига ҳарорат, рН, реагент концентрациясининг таъсирини аниқлаш;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни органик полимер ва минерал матрицага иммобиллаш асосида олинган сорбентларнинг қўлланилиши.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гидразин гидрат, ортофосфат кислота, калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, дифенилтиокарбазон, рух диэтилдитиокарбамат, натрий глицинатни карбамид формальдегид смола, эпоксид смола, полистирол, силикагел матрицаларга иммобиллаш асосида олинган сорбентлар ва Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг иммобилланган лигандлар билан координацион бирикмалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети эритмаларда лиганд-металл иони системасида комплекс ҳосил бўлиш жараёнлари кимёси, олинган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари: ИҚ-спектроскопия, дифференциал термик таҳлил, дифференциал сканерловчи калориметрия, сканерловчи электрон микроскопия (элемент таҳлили), кукунли рентген дифрактометрияси, потенциометрия, спектрофотометрия, комплексонометрия, квант-кимёвий ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандлар – гидразин гидрат, ортофосфат кислота, калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, рух диэтилдитиокарбамат, дифенилтиокарбазон, натрий глицинатни карбамид формальдегид ва полиэфир матрицаларга ковалент иммобиллаш натижасида 10 та комплекс ҳосил қилувчи сорбцион системалар олинган;

калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, рух диэтилдитиокарбамат, дифенилтиокарбазон, натрий глицинатни полистирол ва силикагел матрицаларга ноковалент иммобиллаш натижасида 8 та комплекс ҳосил қилувчи сорбцион системалар олинган;

ионоген ва ноионоген табиатли матрицаларга иммобилланган таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандлар асосидаги сорбентларда Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг сорбция жараёнида ҳосил бўладиган металлокомплексларининг таркиби ва тузилиши замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган;

иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентлар мономер звеносининг электрон тузилиши квант-кимёвий усулларда ҳисобланган, уларнинг геометрик параметрлари, энергетик тавсифлари ҳамда заряд текшируви асосида координацион боғнинг энг катта локалланиш марказлари аниқланган;

иммобилланган лигандларнинг эритманинг мақбул муҳит кўрсаткичида сорбент-сувли эритма гетероген системасида баъзи d-металлари билан комплекс бирикмаларининг барқарорлик доимийликлари ҳисобланган ва бир хил лигандлар билан олинган комплекс бирикмалар барқарорлигининг ортиб бориши Ирвинг-Вильямс қаторига мос келиши аниқланган;

иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентларнинг Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларига нисбатан статик алмашилиш сиғимлари аниқланган ва сорбцияланиш қатори тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандлар – гидразин гидрат, ортофосфат кислота, калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат, рух диэтилдитиокарбамат, дифенилтиокарбазон ва натрий глицинатни карбамид формальдегид, полиэфир матрицаларга ковалент иммобиллаш натижасида 10 та ва полистирол, силикагел матрицаларга ноковалент иммобиллаш натижасида 8 та янги комплекс ҳосил қилувчи сорбентлар олинган;

лигандларни матрицаларга иммобиллаш жараёнига ҳарорат, дастлабки моддалар нисбати, реакция давомийлигининг таъсири аниқланган ва сорбентлар олиш учун мақбул шароитлар кўрсатиб берилган;

иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентларнинг Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларига нисбатан статик ва динамик алмашилиш сиғимлари индивидуал ҳамда аралаш эритмалардан аниқланган;

олинган сорбентларнинг полиэлектролит сифатида диссоциацияланиш доимийликлари ҳисобланган, сорбция жараёнида ҳосил бўлган комплекс бирикмаларнинг таркиби, тузилиши, сувли эритмалардаги концентрацион барқарорлик доимийликлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Синтез қилинган бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, дифференциал сканерловчи калориметрия, сканерловчи электрон микроскопия (фотосурати, элемент таҳлили), кукунли рентген дифрактометрияси, потенциометрия, спектрофотометрия, комплексонометрия, квант-кимёвий ҳисоблаш каби замонавий усуллар ёрдамида экспериментал натижалар олинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти комплекс ҳосил қилувчи лигандларни органик полимер ва минерал матрицаларга иммобиллаш натижасида янги сорбцион системалар олиш, ушбу системаларда Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионларининг иммобилланган лигандлар билан координацион бирикмалар ҳосил қилишининг мақбул шароитлари, сорбция жараёнида ҳосил бўладиган металлохелатларнинг тузилиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сорбцион қобилияти юқори бўлган синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбцион системалар республикамиз гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги жуда кам

миқдордаги нодир ва рангли металлларни ажратиб олиш ҳамда саноат оқава сувларини тозалашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни полимер матрицаларга иммобиллаш ва улар асосидаги сорбентларнинг қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар асосида сорбент олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05534-сон патенти, 28 февраль 2018 йил). Натижада маҳаллий хомашёлардан комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар асосида сорбентлар олиш усулини яратиш имконини берган;

таркибида азот, фосфор, олтингугурт бўлган иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентлар эритмалардан Zn(II), Cd(II), Cu(II), Ni(II), Ag(I) металл ионларини сорбцион концентрлашда “Олмалик КМК” АЖ корхонасида қўлланилган (“Олмалик КМК” АЖ корхонасининг 2021 йил 27 августдаги АА-007164-сон маълумотномаси). Натижада, кўп компонентли эритмалардан қимматбаҳо металлларни ажратиш имконини берган.

иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентлар саноат оқава сувларини тозалашда “Олмалик КМК” АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган. (“Олмалик КМК” АЖ корхонасининг 2021 йил 27 августдаги АА-007164-сон маълумотномаси). Натижада, оқава сувларни оғир металллардан рухсат этилган концентрациясининг ўндан бир улушигача самарали тозалашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 26 та, жумладан, 10 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий ишлар, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола республика ва 6 та мақола хорижий журналларда нашр этилган, 1 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари

бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ковалент, ноковалент иммобилланган лигандлар, уларнинг комплекс бирикмалари ва аҳамияти**» деб номланган биринчи боби асосан лигандларни органик полимер ва минерал матрицага ковалент ҳамда ноковалент иммобиллаш усуллари, иммобилланган лигандлар асосидаги сорбентлар, уларнинг ўзига хослиги ва комплекс бирикмаларининг тузилишини қиёсий таҳлил қилишга бағишланган ва эритмалардан рангли ҳамда нодир металллар ионларини комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар асосида олинган сорбентлар ёрдамида сорбциялаш, шунингдек, сорбция жараёнида ҳосил бўладиган координацион бирикмалар тадқиқотига доир адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлардаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш асосида диссертациянинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг «**Таркибида N, P, S бўлган лигандларни полимер матрицага ковалент ва ноковалент иммобиллаш усуллари, уларнинг тадқиқоти**» деб номланган иккинчи бобида таркибида азот ва фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни *in situ* усулида карбамид формальдегид, полиэфир матрицаларга ковалент ҳамда полистирол, силикагель матрицаларга *ex situ* усулида ноковалент иммобиллаш ва уларнинг кислота-асосли ионланиш доимийликларини аниқлаш усуллари, иммобилланган лигандлар асосидаги сорбентларда Fe(II), Ni(II), Mn(II), Cu(II), Zn(II), Cd(II), Ag(I) ионлари сорбцияси жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг эритмадаги барқарорлик доимийликларини ҳамда лиганд – эритма системасида мувозанат ҳосил бўлиш вақтини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Иммобилланган лигандлар ва уларнинг баъзи d-металлар ионлари билан координацион бирикмаларининг таркиби ҳамда тузилиши**» деб номланган учинчи боби олинган натижалар таҳлилига бағишланган. Бу бобда комплекс ҳосил қилувчи лигандларни матрицаларга иммобиллашда турли омиллар таъсири, олинган сорбентлар билан Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг сорбция жараёнида ҳосил бўлган координацион бирикмаларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, дифференциал сканерловчи калориметрия, рентген фазовий дифрактометрия, сканерловчи электрон микроскопик, потенциометрик таҳлил каби усуллар ёрдамида аниқлаш натижалари келтирилган.

Таркибида азот ва фосфор, олтингугурт бўлган лигандларни карбамид формальдегид, полиэфир матрицаларга ковалент ҳамда полистирол, силикагел матрицаларга ноковалент иммобиллаш, уларнинг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари, эксплуатацион тавсифларининг тадқиқоти, шунингдек, кимё саноати корхоналарининг металл ионларини тутган чиқинди сувларини тозалаш учун амалда фойдаланиладиган аниқ объектларни излаб топиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Шунга кўра, гидразин гидрат, ортофосфат кислота, калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат, дифенилтиокарбазон, рух диэтилдитиокарбамат, натрий глицинатни *in situ* усулида карбамид формальдегид матрицага


моддаларнинг 1:2,5:1 мол нисбатларида 90°C ҳароратда иммобиллаш натижасида қуйидаги сорбентлар олинди (1-жадвал).

1-жадвал.


Лигандларни карбамид формальдегид матрицага иммобиллаш натижасида олинган сорбентлар

№	Лиганд	Иммобиллаш усули ва механизми	Олинган сорбент	Иммобилланган лиганд	Сочма оғирлиги, г/л	Тўла алмаши-ниш сиғими, мг-экв/г
1	Гидразин гидрат	Ковалент, in situ	КФГГ	L ¹	610	4,4
2	Фосфат кислота	Ковалент, in situ	КФФК	L ²	680	4,7
3	Калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат	Ковалент, in situ	МФСФ	L ³	570	5,6
4	Дифенилтиокарбазон	Ковалент, ex situ	КФДТ	L ⁴	650	5,2
5	Рух диэтилдитиокарбамат	Ковалент, ex situ	КФ-ДЭДТК	L ⁵	635	4,3
6	Натрий глицинат	Ковалент, ex situ	КФГ	L ⁶	650	4,8


Рух диэтилдитиокарбаматни карбамид формальдегид матрицага иммобиллаш. Олинган сорбент хоссаларига синтез шароити ҳароратининг таъсирини ўрганиш натижалари 1-расмда келтирилган бўлиб, иммобиллаш реакциясининг оптимал ҳарорати учун 90°C танлаб олинди, бунда реакция давомийлиги 3 соатни ташкил этади. Олинган сорбентнинг 0,1 N HCl эритмаси бўйича статик алмашиниш сиғими 3,5 мг-экв/г га етади.



1-расм. Рух диэтилдитиокарбаматни карбамид формальдегид матрицага иммобиллаш ва олинган сорбент статик алмашиниш сиғимининг ҳароратга боғлиқлиги.




2-расм. Рух диэтилдитиокарбаматни карбамид формальдегид матрицага ковалент иммобиллаш асосида олинган сорбентнинг ИҚ спектри.



3-расм. Рух диэтилдитиокарбаматни карбамид формальдегид матрицага иммобиллаш асосида олинган сорбент фрагментининг шар-стерженли модели

расм.). Иммобиллаш маҳсулоти ИҚ-спектрал анализ натижалари асосида 3-расмдаги тузилиш таклиф этилди.




4-расм. Карбамид формальдегид матрицага ковалент иммобилланган калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат.


4-расмда карбамид формальдегид матрицага ковалент иммобилланган калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфат асосида олинган сорбент тузилиши келтирилган. Калий О,О-ди-(2-аминоэтил)-дитиофосфатни карбамид формальдегид матрицага *in situ* усулида ковалент иммобиллаш реакцияси асосидаги комплекс ҳосил қилувчи сорбент L^3 синтез жараёнининг оптимал шароитни аниқлаш учун иммобиллаш жараёнига дастлабки компонентлар нисбати, ҳарорат ва реакция давомийлиги каби омиллар таъсири ўрганилди. Иммобиллаш реакциясининг оптимал ҳарорати учун 90°C танлаб олинди, бунда реакция давомийлиги 2,1 соатни ташкил этади. Олинган сорбентнинг тўлиқ алмашилиш сиғими 5,6 мг-экв/г.

Калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат, дифенилтиокарбазон, рух диэтилдитиокарбамат, натрий глицинатни *ex situ* усулида карбамид полиэфир матрицага ковалент иммобиллаш натижасида олинган сорбентлар 2-жадвалда келтирилган.

Рух диэтилдитиокарбаматни полиэфир матрицага иммобиллаш натижасида олинган сорбент ЭС-ДЭДТК нинг тузилиш қуйидагича келтирилди:



Бу ерда,



2-жадвал.

Лигандларни полиэфир матрицага иммобиллаш натижасида олинган сорбентлар

№	Лиганд	Иммобиллаш усули ва механизми	Олинган сорбент	Иммобилланган лиганд	Сочма оғирлиги, г/л	Тўла алмашилиш сифими, мг-экв/г
1	Калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат	Ковалент, ex situ	МФСЭ	L ⁷	620	4,5
2	Дифенилтиокарбазон	Ковалент, ex situ	ЭСДТ	L ⁸	630	4,6
3	Рух диэтилдитиокарбамат	Ковалент, ex situ	ЭС-ДЭДТК	L ⁹	620	4,1
4	Натрий глицинат	Ковалент, ex situ	ЭСГ	L ¹⁰	630	4,2

Полистирол матрицага лигандларни ноковалент иммобиллаш учун дастлаб, иккиламчи суспензион полистирол этилацетатда эритилди ва лигандлар полистирол массасига нисбатан 10 % қўшиб интенсив аралаштирилди. Ҳосил бўлган гомоген аралашмадан эритувчи буғлатиш йўли билан ажратилди. Бунда куюқ массани донадорлаш ёки юпка плёнка ҳосил қилиб, металлларни сувли эритмаларидан сорбциялашда қўллаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал.

Лигандларни полистирол матрицага иммобиллаш натижасида олинган сорбентлар

№	Лиганд	Иммобиллаш усули ва механизми	Олинган сорбент	Иммобилланган лиганд	Сочма оғирлиги, г/л	Тўла алмашилиш сифими, мг-экв/г
1	Калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат	Ноковалент, диффузия	ПС-КАЭДФ	L ¹¹	630	5,6
2	Дифенилтиокарбазон	Ноковалент, диффузия	ПС-ДТ	L ¹²	620	5,2
3	Рух диэтилдитиокарбамат	Ноковалент, диффузия	ПС-ДЭДТК	L ¹³	670	4,7
4	Натрий глицинат	Ноковалент, диффузия	ПС-Г	L ¹⁴	610	5,3

Силикагель матрицага лигандларни ноковалент иммобиллаш учун лигандларнинг эритмасига КСГ маркали силикагел доналари ботириб кўйилди (4-жадвал).

4-жадвал.

Лигандларни силикагель матрицага иммобиллаш натижасида олинган сорбентлар




№	Лиганд	Иммобиллаш усули ва механизми	Олинган сорбент	Иммобилланган лиганд	Сочма оғирлиги, г/л	Тўла алмашилиш сифими, мг-экв/г
1	Калий О,О-ди-(2-аминоэтил) дитиофосфат	Ноковалент, адсорбция	С-КАЭДФ	L ¹⁵	680	5,3
2	Дифенилтиокарбазон	Ноковалент, адсорбция	С-ДТ	L ¹⁶	570	4,9
3	Рух диэтилдитиокарбамат	Ноковалент, адсорбция	С-ДЭДТК	L ¹⁷	650	5,4
4	Натрий глицинат	Ноковалент, адсорбция	С-Г	L ¹⁸	635	5,1

Сорбент мономер звеноси донор атомларининг рақобатдош координациялашувини квант-кимёвий таққосланиши


Координацион бирикмаларнинг лигандлари сифатида олинган L¹⁻¹⁰ сорбентлар мономер звенolari металл ионига координацияланадиган марказлар – азот, олтингугурт ва кислород атомлари мавжуд ва улар координация учун рақобатлаша олади. Шунинг учун лигандлар молекуласидаги донор атомларнинг эффектив зарядлари ва электрон зичликларининг тақсимланиш табиатини ҳисоблаш усуллари асосида энг фаол реакцион қобилиятга эга донор марказни аниқлаш керак эди. Ўрганилаётган бирикмаларнинг геометриялари Avogadro дастур тўплами ёрдамида ҳосил қилинган, сўнгра ORCA 5.0 дастурий таъминотидан фойдаланган ҳолда Попл базис тўплами - RHF/6-31G(d, p) ёрдамида тўлиқ оптималлаштирилди. DFT (B3LYP) усулидан фойдаланиб ORCA 5.0 ҳисоб-китобларининг натижалари Малликен усули ва барча атомлардаги зарядларни ҳисоблаш учун чегаравий молекуляр орбитал (FMO) яқинлашувидан фойдаланилди ҳамда Авогадро дастури ёрдамида визуализация қилинди. Ушбу усуллар билан ҳисоблашдан олинган электрон зарядлар қийматларини таққослаш барча ҳисобланган молекулалардаги манфий заряднинг энг юқори қийматига эга бўлган донор атомлар координацияга учраши мумкин деб хулоса қилинди.

L¹ нинг LUMO даги электрон зичлиги гидразин қолдиғидаги азот атомларида тўпланган (5-расм). Бу бирикма учун LUMO ва НОМО ҳолатлар энергияси бир-бирдан катта фарқ қилади. Бундан кўриниб турибдики, L¹

кучли майдон ҳосил қилади ва Пирсоннинг “қаттиқ ва юмшоқ кислоталар ва асослар” принципига кўра қаттиқ асос бўлиб, юмшоқ кислота Ag (I) билан мустаҳкам комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Ушбу комплекс бирикмалар металл иони орбиталлида бўлиниш энергияси юқори бўлганлиги учун Хунд қоида­сига тескари бўлган электрон конфигурацияга эга паст спинли комплекс бирик­ма­лар ҳисобланади.






$$HOMO = -5,869 \text{ eV}$$




$$LUMO = 1,114 \text{ eV}$$

5-расм. L¹ да заряднинг атомларда тақсимланиши ва чегаравий орбиталларнинг локаллашуви.



$$HOMO = -5,666 \text{ eV}$$




$$LUMO = -0,918 \text{ eV}$$

6-расм. L³ да заряднинг атомларда тақсимланиши ва чегаравий орбиталларнинг локаллашуви.

L^3 нинг LUMO даги электрон зичлиги дитиофосфат қолдиғидаги олтингугурт атомларида жойлашган (6-расм). Бу лиганд учун ҳам LUMO ва НОМО ҳолатлар энергияси бир-биридан катта фарқ қилади. Шунинг учун L^3 ҳам кучли майдон ҳосил қилади ва Пирсоннинг “қаттиқ ва юмшоқ кислоталар ва асослар” принципига кўра, дитиофосфат қолдиғи юмшоқ асос бўлсада, у билан этилен звеноси орқали боғланган иккиламчи аминогугуҳлар, триазин халқасидаги азот атомлари спектатор лиганд сифатида рақобатлашади. Натижада юмшоқ кислота $Ag(I)$, оралик кислоталар $Cu(II)$, $Fe(II)$, $Zn(II)$ билан дитиофосфат гуруҳи тўрт аъзоли мустаҳкам хелат халқали комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Ушбу комплекс бирикмалар металл иони орбиталлида бўлиниш энергияси юқори бўлганлиги учун паст спинли комплекс бирикмалар ҳисобланади.

$Fe(II)$, $Ni(II)$, $Mn(II)$, $Cu(II)$, $Zn(II)$, $Cd(II)$, $Ag(I)$ ионларининг имобилланган лигандлар билан координацион бирикмалари


L^1 таркибидаги фаол функционал гидразогуруҳи аминогуруҳга нисбатан кучсиз асосли хоссага эга бўлиб, кучсиз ишқорий ва нейтрал муҳитда металлларга нисбатан қайтарувчилик хоссасини намоён қилади. Эритма муҳитининг $pH=3,4-3,7$ қийматида гидразогуруҳининг протонлашиши лиганднинг кислота-асосли хоссаларини ўрганиш натижасида маълум бўлди. Ўтказилган кимёвий ва ИҚ-спектрал анализ натижалари асосида металл ионларининг лиганд билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг тузилишини қуйидаги кўринишда келтириш мумкин (7-расм):




7-расм. Мис (II) ионининг L^1 билан координацион бирикмасининг тузилиши ва модели.

Эритма муҳити кислоталикдан ишқорийликка ўтиб бориши билан $Cu(II)$, $Zn(II)$, $Cd(II)$, $Ag(I)$ ионларининг сорбцияси сезилари даражада камайиши кузатилган. Бу ҳолатни металллар координацион бирикмаларининг ишқорий муҳитда парчаланиши ва тегишли гидроксидлар ҳосил қилиб чўкиши билан тушунтириш мумкин.


Бироқ, муҳит ишқорийлиги ортиб бориши билан бошқа металллар ионларидан фарқли равишда $Zn(II)$ ионининг сорбция даражаси ортади. Чунки, $Zn(II)$ ионининг аквакомплекслари ишқорий муҳитда қуйидаги схема бўйича гидроксокомплексларга ўтади ва ҳосил бўлган гидроксокомплекс лиганд таркибидаги аминогуруҳларга ион ассоциатлари кўринишида сорбцияланади.



Кучли ишқорий муҳитда гидразонлар кислородли бирикмаларни қайтаради. Кислотали муҳитларда эса кучли оксидловчиларни қайтариш хусусиятига эга. Масалан, кислотали муҳитда Ag (I) ионларининг сорбцияси бошқа металллар ионларига нисбатан анча юқори. Ag (I) ионлари L¹ лиганди билан координацион бирикма ҳосил қилиши билан бир вақтнинг ўзида лиганд фазасига қисман эркин кумуш металлгача қайтарилиб чўкади. Бу жараённи қуйидагича ифодалаш мумкин:



Шу билан биргаликда оксидланган гидразонлар кислотали муҳитда эритмадаги кучли қайтарувчилар иштирокида яна протонлашади.




Шунга кўра, L¹ лигандининг оксидланиш-қайтарилиш хоссалари ушбу жараён иштирокида борадиган концентрлаш усулларида мазкур лиганддан фойдаланиш имконини беради.

Квант-кимёвий DFT (B3LYP) усулидан фойдаланиб ORCA 5.0 ҳисоб-китобларининг натижалари ёрдамида барча синтез қилинган иммобилланган лигандларнинг битта мономер звеносининг электрон тузилиши тадқиқ этилди ва полидентат полифункционал лигандлардаги координацион марказлар аниқланди. Бунда потенциал тўққиз – (L¹, L⁷), саккиз – (L²) ва ўн икки – (L³) дентатли лигандлар L¹ L³, L⁴ -бидентатли ва L²-тридентатли бўлиши кўрсатди. Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг синтез қилинган иммобилланган лигандлар билан металлокомплекслари олинди ва уларнинг таркиби, тузилиши замонавий

физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида исботланди ҳамда бу координацион бирикмаларнинг барқарорлик доимийликлари аниқланди.

Zn (II) ионларининг L^1 билан эритма муҳитининг $pH=6,2-6,5$ қийматида ҳосил қилган координацион бирикмаси Cu (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг координацион бирикмаларига нисбатан ўзига ҳос барқарорликка эга;

Ag (I) ионларининг L^2 , L^3 , L^7 билан эритма муҳитининг $pH=3-4$ интервалида ҳосил қилган координацион бирикмалари уларнинг Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларига нисбатан кўпроқ барқарор бўлишини ҳисобга олиб, Ag (I) ионларини эритмадаги Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионларидан ажратиш усули ишлаб чиқилди. Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари эритма муҳитининг $pH=3,4-3,7$ қийматида L^1 нинг карбонил ва гидразо гуруҳлари билан координацияланиб олти аъзоли хелат халқа ҳосил қилади.



L^2 ; M^{II} - Fe, Ni, Mn, Cu, Zn, Cd; M^I - Ag; X - Cl, NO_3^- .

Ag (I) ионлари эса бу шароитда фақат гидразо гуруҳлар билан координацияланади. L^2 эритма муҳитининг $pH=4-6$ қийматида таркибидаги фосфогуруҳ протонларини металл ионлари билан алмашилиши, амидо ва карбонил гуруҳлар ҳисобига Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II) ионлари олти аъзоли ва тўрт аъзоли хелат халқа ҳосил қилиб, Ag (I) ионлари эса фосфогуруҳ протони билан алмашилиб, амидогуруҳ орқали олти аъзоли хелат халқа ҳосил қилиб координацияланиши аниқланди.

L^3 ва L^7 иммобилланган лигандларида Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионлари дитиогуруҳдаги олтингугурт атоми орқали координацияланади, комплекс ҳосил қилувчининг заряди металл ионларининг эритма муҳитининг $pH=4-6$ қийматида депротонлашган дитиофосфат гуруҳи билан боғ ҳосил қилиши ҳисобига компенсацияланади. Бунда тўрт аъзоли металлохелатлар ҳосил бўлади.


L^3 ва L^7 лигандлар таркибида дитиофосфат кислотали гуруҳи бўлиб, эритманинг $pH=4-6$ қийматида дитиофосфат гуруҳи ҳисобига Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг лиганд билан координацион бирикма ҳосил қилиши ИҚ-спектрал усул ёрдамида исботланди (5-жадвал). Бундан кўриниб турибдики, лигандлардаги дитиофосфат гуруҳлари металл ионининг координацияланишини таъминлайди, бунда тўрт аъзоли хелат халқа ҳосил бўлади ва бу ҳолат квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларига зид келмайди.

L^3 даги $\nu(NH)$ тебранишлар чизиғи 3328 см^{-1} соҳада жойлашган бўлиб, металл ионлари билан ҳосил қилган координацион бирикмаларнинг ютилиш спектрларида қуйи частота соҳасига кучсиз силжиган. $\nu(POC)$ боғи тебраниши эса координацион бирикмаларда лиганддагига нисбатан юқори соҳага силжиган.

Cu (II), Zn (II), Cd (II), Ag (I) ионларининг L³ ва L⁷ билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг ИҚ-спектрларидаги ютилиш частоталари, см⁻¹

Бирикмалар	$\nu(\text{NH})$	$\nu(\text{C-O})$	$\nu(\text{POC})$	$\nu(\text{P-O})$	$\nu(\text{P=S})$	$\nu(\text{P-S-})$
[C ₁₈ H ₄₂ N ₈ O ₆ P ₂ S ₄ K ₂] _n	3328	1072	975	758	661	514
[C ₁₈ H ₄₂ N ₈ O ₆ P ₂ S ₄ Cu] _n	3308	1074	988	793	644	501
[C ₁₈ H ₄₂ N ₈ O ₆ P ₂ S ₄ Zn] _n	3312	1070	985	786	647	495
[C ₁₈ H ₄₂ N ₈ O ₆ P ₂ S ₄ Cd] _n	3315	1071	989	772	650	501
[C ₁₈ H ₄₂ N ₈ O ₆ P ₂ S ₄ Ag ₂] _n	3314	1072	981	765	635	491
[C ₃₅ H ₆₄ N ₆ O ₆ P ₂ S ₄ K ₂] _n	3305	1074	958	736	688	464
[C ₃₅ H ₆₄ N ₆ O ₆ P ₂ S ₄ Cu] _n	3311	1076	975	762	648	454
[C ₃₅ H ₆₄ N ₆ O ₆ P ₂ S ₄ Zn] _n	3308	1072	971	752	647	456
[C ₃₅ H ₆₄ N ₆ O ₆ P ₂ S ₄ Cd] _n	3294	1074	991	758	654	453
[C ₃₅ H ₆₄ N ₆ O ₆ P ₂ S ₄ Ag ₂] _n	3297	1073	987	766	656	455


Шунингдек, $\nu(\text{P=S})$ ва $\nu(\text{P-S-})$ тебраниш частоталари ҳам нисбатан 12-33 см⁻¹ гача куйи частотали соҳага силжиган. Бундан кўришиб турибдики лиганддаги амина ва дитиофосфат гуруҳлари металл ионининг координацияланишини таъминлайди, бунда тўрт аъзоли хелат халқа ҳосил бўлади. Сорбция натижасида олинган координацион бирикманинг тузилиши ўтказилган тадқиқотлар асосида куйидагича тақлиф этилди.




L³; M^{II}- Fe (II), Ni (II), Mn (II), Cu (II), Zn (II), Cd (II), M^I-Ag (I), X- Cl⁻, NO₃⁻.

L³ нинг ДСК-ТГ-ДТГ графикларини ўрганиш натижасида 20-390°C ҳарорат соҳасида учта эндотермик чўкки кўринади. Улардан биринчиси 140°C ҳароратда сорбентнинг суюқланишини кўрсатади. Парчаланиш 213,4°C ҳароратда бошланган. 214-360°C ҳарорат интервалида намуна массасининг камайиши 3%/мин тезликда содир бўлган ва 65,6% ни ташкил қилган. Бу жараён иккита эндотермик чўккига мос келади. Парчаланишнинг умумий энтальпияси $\Delta Q = -128,31 \text{ J/g}$ (8-расм).

Cu (II) комплекслари бўшаштирувчи орбиталида 1 та кўп электрони бўлишига қарамасдан Ni (II) комплексларига нисбатан барқарорлиги юқори. Бу аномалия Ян-Теллернинг барқарорлаштирувчи таъсир эффекти сабабли келиб чиқади. Бунда Cu (II) нинг тетрагонал сиқилган экваториал текислигида жойлашган тўртта донор атомларнинг металл билан ҳосил қилган боғланиши мустаҳкамланади.




8-расм. L³ нинг ДСК-ТГ-ДТГ графиги.




9-расм. Cu (II) ионининг L³ билан ҳосил қилган комплекс бирик-масининг ДСК-ТГ-ДТГ графиги.

Cu (II) ионининг L³ билан ҳосил қилган координацион бирикмасининг ДСК-ТГ-ДТГ графикларини ўрганиш натижасида 136,1°C ҳароратда эндотермик эффект кузатилади. Бу эндотермик эффектга мос келувчи ТГ графигидаги масса камайиши 3,8% ни ташкил қилган бўлиб, бу ҳолатни координацион сферада сув молекулаларининг борлиги билан тушунтириш мумкин. Парчланиш 211,7°C ҳароратда бошланган. 255,6°C ҳароратда намуна массасининг камайиши 2,5%/мин тезликда содир бўлган ва 52,6% ни ташкил қилган. Парчланиш энтальпияси $\Delta Q = -272,6 \text{ J/g}$ (9 -расм).

Иммобилланган лигандларнинг диссоциацияланиш доимийликларини потенциометрик титрлаш йўли билан ҳисобланган натрий иони бўйича статик алмашилиш сиғимларидан аниқланди. Олинган маълумотлар асосида Q (титрант миқдори, ммоль/г) – рН координатаси бўйича интеграл потенциометрик титрлаш эгри чизиғи ва ундаги эквивалент нуқталарни тўғри аниқлаш учун Q – $\Delta\text{pH}/\Delta Q$ координатаси бўйича дифференциал эгри чизик чизилди (10-11-расм).



10-расм. L⁷ ни NaOH эритмаси билан потенциометрик титрлашнинг интеграл ва дифференциал эгри чизиклари.



11-расм. L⁷ нинг диссоциацияланиш доимийсини (рК_д) ҳисоблаш учун график.

Q – $\Delta\text{pH}/\Delta Q$ координатаси бўйича дифференциал эгри чизиклардан кўриниб турибдики, титрлаш эгрилари босқичли тузилишга эга бўлиб, ўрганилган лигандларнинг полифункционаллигидан далолат беради.

Эритма рН катталигининг кўшилган ишқор миқдорига боғлиқлигини акс эттирувчи титрлаш эгриси лигандларнинг сорбент сифатида максимал сиғимини аниқлашга ва фаол гуруҳларнинг рК_д қиймати тўғрисида фақат

сифат жиҳатдан хулоса қилишга имкон беради. Потенциометрик титрлашда олинган маълумотлардан гуруҳларнинг ионланиш доимийсининг (рКд) қиймати график усулда ва Гендерсон-Гассельбах тенгламаси ёрдамида ҳисоблаш йўли билан аниқланди. L⁷ да дитиофосфогуруҳнинг ионланиш доимийлиги 3,35 га тенг. Мономер диалкилдитиофосфат кислоталарнинг кучли кислота бўлиб, кислота кучига матрица таъсири сезиларсиз эканлиги аниқланди. Хусусан, ишқорий ва ишқорий-ер металлари диалкилдитиофосфатларининг сувли эритмаларида муҳит водород кўрсаткичи кучли кислоталар тузлари каби рН=7 бўлиб, улар амалда гидролизланмайди.

Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи полифункционал иммобилланган лигандларнинг баъзи d-металлари билан координацион бирикмаларининг барқарорлик доимийликларини аниқлаш учун потенциометрик титрлаш усулидан фойдаланилди. Ўрганилган металл ионларининг хелатли иммобилланган лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларининг ҳисобланган барқарорлик доимийликлари б-жадвалда келтирилган. Металларнинг иммобилланган лигандлар билан комплекс ҳосил қилишининг мақбул муҳит кўрсаткичи ва концентрацион барқарорлик доимийликлари келтирилган б-жадвалдан кўриниб турибдики, металл ионларининг бир хил иммобилланган лигандлар билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг барқарорлиги Ирвинг-Вильямс қаторига мос келади.

б-жадвал.


Металларнинг карбамид формальдегид матрицага иммобилланган лигандлар комплекс биркималари ҳосил бўлишининг мақбул муҳит кўрсаткичи ва уларнинг концентрацион барқарорлик доимийликлари

Иммобилланган лиганд		Металл ионлари						
		Fe (II)	Ni (II)	Mn (II)	Cu (II)	Zn (II)	Cd (II)	Ag (I)
L ¹	рН _{опт}	4,5-5	4,2-4,5	5,5-6	3,4-3,7	6,2-6,5	4,5-5	3,8-4
	lgK _{барк}	4,25	4,34	3,97	5,73	5,6	5,46	4,94
L ²	рН _{опт}	4,3-5,2	4,5-4,9	5,7-6,2	3,8-4,1	6,5-6,7	4,5-5	4-4,2
	lgK _{барк}	5,62	6,93	5,08	7,13	6,21	7,5	9,4
L ³	рН _{опт}	4,5-5	4,2-4,5	5,5-6	4,2-4,7	6-6,5	4,2-4,5	3,3-3,5
	lgK _{барк}	7,38	7,02	6,73	10,55	8,94	8,72	11,37
L ⁴	рН _{опт}	4,5-5	4,2-4,5	5,5-6	4,3-4,9	6-6,5	4,5-5	3,5-4
	lgK _{барк}	6,43	6,36	5,65	7,47	7,15	9,36	7,27
L ⁵	рН _{опт}	4,5-5	4,2-4,5	5,5-6	2,5-3	6,5-7	4-4,5	1,5-2
	lgK _{барк}	7,06	7,84	6,36	8,82	8,56	8,28	7,52
L ⁶	рН _{опт}	4,5-5	4,2-4,5	5,5-6	3,5-4	6,5-7	4-4,5	3,5-4
	lgK _{барк}	4,58	4,62	4,36	5,25	5,17	5,21	4,02

Диссертациянинг «Иммобилланган лигандлар сорбцион хоссаларининг тадқиқоти» деб номланган тўртинчи боби олинган натижалар таҳлилига бағишланган. Бу бобда комплекс ҳосил қилувчи лигандларни матрицаларга иммобиллаш асосида олинган сорбентларнинг баъзи d-металлар сорбциясида қўлланилиши натижалари келтирилган.


Синтез қилинган комплекс ҳосил қилувчи иммобилланган лигандлар аосидаги сорбентларда баъзи d-металлар сорбциясига муҳит рН катталигининг таъсири ўрганилди. L¹ да металлар сорбциясини ўрганиш натижаларига кўра, лиганднинг статик алмашилиш сиғими (мг-экв/г) оптимал муҳит рН катталигида қуйидагича бўлади: Mn (II) -1,6 (рН=4); Fe (II) – 1,85 (рН=5); Ni (II) – 2,1 (рН=5); Cu (II) – 2,5 (рН=4); Cd (II) - 2,4 (рН=5); Zn (II) - 2,1 (рН=5); Ag (I) - 2,8 (рН=2).

Эритма муҳитининг рН катталиги ортиб бориши билан, яъни рН=2 дан рН=6 гача металлар ионларининг сорбцияланиш даражаси максимумдан ўтади. Шунга кўра, ўрганилган металлар ионларининг L¹ да сорбцияланиш даражаси қуйидаги қаторда ортиб боради:




